


Meros

№ 2/2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Ҳасанов М. Кетди (Марсия) 3
Каримова С. Илмга бахшида умр 4
Абдуллаев Б., Куранбаева У. Профессор Ашраф Аҳмедов китоблари 10
Hogendijk J. Professor Ashraf Akhmedov and the Qanun Mas‘udi of Abu Rayhan Biruni 15
Demirci M. Al-Bīrūnī’s Contribution and Leading Role to Historical Criticism in Islamic Historiography 27
Жуманазаров А. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг давомчиси 43
Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари хусусида 56
Каримова С., Ибрагимов Ф., Куранбаева У. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда замонавий технологиялар 66
Бўриев О., Фаромарз Ф. Фарғоний илмий меросида географик билимлар 79
Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” амалий қўлланма сифатида 92

Bagheri M. A Newly Found Letter of Al-Kashi on Scientific Life in Samarkand 102
Абдуллаев Б. “Зижи жадиди Гурагоний” – Мирзо Улуғбек академиясининг энг муҳим ютуғи 123
Абдухалимов Б. Из Самарканда в Стамбул: Али Кушчи и выставка его рукописных коллекций 130

ТИЛШУНОСЛИК
Нурутдинов Ҳ.
“Элчи”, “элчилик” атамаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан 138
Salimova Z. Turk va o‘zbek tillarida fitomorf birliklar orqali inson obrazining ifodalanishi 164

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 4 ноябрдаги 9-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)
Роиқ Баҳодиров
Омонулло Бўриев
Дагели Жанин (*Германия)*
Абдусаттор Жуманазаров
Зоҳиджон Исломов
Одил Қориев
Аширбек Мўминов *(Туркия)*
Дурбек Раҳимжонов
Ўктамбек Султонов
Нурёғди Тошов
Аҳад Ходжаев
Дилором Юсупова
Санжар Ғуломов
Маҳмуд Ҳасанов

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

08.09.2025 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

This article presents a list of Berunia's works that were not included in the “Fihrist kutub Muhammad ibn Zakariya ar-Roziyy” written by him in 1036. Scientific literature and electronic catalogs on the number of Beruni's works including such discrepancies are also presented and analyzed.

Keywords: *Beruni, Fihrist, D. Biolt, P. Bulgakov, A. Akhmedov, electronic catalogs, Leiden, astronomy, mathematics, geodesy, mineralogy, cartography.*

С. КАРИМОВА, Ф. ИБРАГИМОВ, У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти араб, форс ва туркий тиллардаги 26000 қўлёзма, 39000 тошбосма ва нашр китоблар, 5000 дан ортиқ тарихий ҳужжатлар жамланган қўлёзмалар фондига эга. Қўлёзма асарлар мавзу жиҳатдан тарих, тил ва адабиёт, ислом илмлари, аниқ ва табиий фан соҳаларига алоқадор. Илмий асарлар орасида X–XIX асрларда яшаб ижод этган Абу Бакр Розий (865–925), Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Мансур Қумрий (X аср), Абу Али ибн Сино (980–1037), Исмоил Журжоний (1042–1136), Насириддин Тусий (1201–1274), Маҳмуд Чағминий (ваф. 1221), Ибн Нафис (ваф. 1288), Саъдуддин Тафтазоний (1322–1390), Жамшид Коший (ваф. 1436), Қозизода Румий (1360–1437), Мирзо Улуғбек (1394–1449), Али Қушчи (1402–1474), Низомиддин Биржандий (ваф. 1525), Аҳмад Дониш (1827–1897) каби ва бошқа мусулмон олимларининг астрономия, математика, кимё, табобат, доришунослик, минералогия ва географияга оид асарларининг 1500 дан ортиқ қўлёзмалари бор. Мазкур олимлар илмий асарларини ўрганиш институтнинг устувор илмий йўналишларидан биридир. Бу олимларнинг асарлари орасида Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб китоблар алоҳида ўрин тутади. Чунки Беруний энциклопедист олим сифатида фаннинг бир қанча соҳалари бўйича илмий аҳамиятга молик 150 га яқин асар ёзган. Гарчи улардан бизгача П.Г. Булгаков (1927–1993) ва

А. Аҳмедовнинг (1939–2024) маълумотларига кўра, фақат 33 таси етиб келган бўлса-да, уларнинг орасида олимнинг фундаментал ва ҳажмдор асарлари бор. Улар Институт ходимлари томонидан кўп йиллардан бери ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, тадқиқ этилади. Берунийнинг шу вақтга қадар таржима қилинган асарлари орасида “Хронология”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Масъуд қонуни”, “Минералогия”, “Фармакогнозия”, “Тафҳим” каби йирик китоблари ҳамда бир нечта кичик ҳажмдаги математик (“Ватарлар ҳақида”) ва астрономик (“Соялар”, “Қуёш тенгламаси”, “Зижлар тожи”, “Ёритгичларнинг ўтиши”, “Картография”) рисолалари бор [22; 18; 19; 20; 21; 22; 23; 24; 25]. Айтиш жоизки, бу асарларни таржима қилишда ўзбекистонлик олимлар дунёнинг турли фондларида сақланаётган нусхаларнинг микрофильмларидан фойдаланганлар. Ўзбекистонда Беруний қаламига мансуб фақат “Китоб ат-тафҳим ли-авоил синаа ат-танжим” (“Юлдузшунослик санъати асосларини тушунтириш китоби”) асарининг ХШ аср қўлёзмаси мавжуд [6].

2023 йилда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан “Абу Райҳон Беруний илмий меросининг жаҳон илм-фани ривожидаги ўрни” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Мазкур конференцияда келажакда берунийшуносликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари белгилаб олинди. Жумладан, Ўзбекистонда Беруний илмий меросини ўрганиш ишларини самарали давом эттириш мақсадида аллома асарларининг дунёнинг турли фондлари ва кутубхоналаридаги қўлёзмалари электрон нусхаларини жамлаш, уларни илмий тавсиф қилиб, инглиз тилида тузиладиган *heritageofberuni.uz* сайтига жойлаштириш мақсад қилинди ва 05.09.2023–05.09.2024 муддатда мазкур сайтни яратишга қаратилган амалий лойиҳа ишланди[1]. Натижада, Британия, Германия, Голландия, Туркия, Франция, Эрон, Ҳиндистоннинг турли илмий ва ўқув марказлари ҳамда кутубхоналарида сақланаётган Беруний асарлари қўлёзмаларидан электрон нусхалар имкон қадар олинди. Уларнинг

[1] Лойиҳа шифри: AL – 712205644, номи “Хорижий мамлакатлар фондларида сақланаётган Абу Райҳон Беруний асарларининг қўлёзмалари малумотлар базасини шакллантириш, уларни рақамлаштириш ва *heritageofberuni.uz* сайтини яратиш”.

инглиз тилидаги илмий тавсифлари тузилиб, янги *heritageofberuni.uz* сайтига жойлаштирилди [39].

Шу вақтга қадар дунёда Беруний илмий мероси ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган бир нечта сайтлар яратилган. Улар, асосан, кутубхоналар ва энциклопедиялар сайтларидир. Масалан, Россиядаги Халқ кутубхонаси (Публичная библиотека) сайтига Беруний биографияси ва 1957–1976, 1995 йилларда рус тилига таржима қилинган асарларининг "Абу Райхан Беруни. Избранные произведения" сериясидаги 1–7-жилдлари [35; 5; 19; 1; 2; 3; 4] ҳамда Беруний ва Ибн Сино ёзишмаларининг [36] электрон китоблари қўйилган. Улар фақат юклаб олишга мўлжалланган. Китоблар муқовасининг расми бор [40].

Яна бир сайт Туркия давлат вақфи ислом энциклопедиясиники (Turkiye Diyanet Vakfi İslâm Ansiklopedisi' – TDV İslâm Ansiklopedisi') бўлиб, унинг янгиланган шакли 2018 йилда islamansiklopedisi.org. сайтида очилган [41]. У Ислом дини, ислом тарихи ва цивилизацияси, ҳадис, араб тили ва адабиёти, фан тарихи, тиббиёт ва ҳ.к. йўналишларда ишлаган ўрта аср олимлари тўғрисида маълумот беради. Жумладан, Беруний ҳаёти ва фаолияти ҳам киритилган бўлиб, олим асарларидан 26 тасининг номи ва қисқача мазмуни, шунингдек, 1951–1985 йилларда Беруний асарларини ўрганган тадқиқотчилар тўғрисида қисқача маълумот ҳамда 1951–1988 йилларда Беруний асарлари тадқиқи асосида ёзилган мақола ва китоблар библиографияси берилган. Берунийнинг портрети ва иккита асаридан расмлар қўйилган [41]. Ислом илмий қўлёзмалари ташаббуси (Islamic Science Manuscript Initiative, ISMI) ташкилотининг сайти айнан фан тарихи, хусусан, аниқ фанлар тарихи бўйича ўрта асрларда яратилган асарлар қўлёзмалари бўйича маълумот берувчи сайт бўлиб, уни Г. Зутернинг (1848–1922) "Beiträge zur Geschichte der Mathematik und Astronomie im Islam" ("Исломнинг математика ва астрономия тарихига қўшган ҳиссаси") (1872) ҳамда Г.П. Матвиевская (1930–2025), Б.А. Розенфельднинг (1917–2008), "Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.)" ("Мусулмон ўрта асрларининг математик ва астрономлари, ҳамда уларнинг асарлари (VIII–XVII асрлар)") (1983) китобларининг онлайн вариси дейиш мумкин [42]. Кейинги асар 2003 йилда Б.А. Розенфельд ва турк олими Э. Иҳсаноғлу томонидан тўлди-

рилиб, инглиз тилида қайта нашр қилинди [38]. Сайтда ана шу китобдан ҳам фойдаланилган. Берунийнинг ҳаёти ва фаолияти, қайси олимлар билан биргаликда ишлагани ҳақида маълумот берилган. Берунийнинг Б.А. Розенфельд ва Э. Иҳсаноғлуларнинг юқорида зикр қилинган китобига киритилган 20 та асари 7 та йўналишга ажратилиб, асарларнинг номи ва улардан 7 тасининг нусхалари сақланиш жойи ҳақида айтилган. Масалан, "Тафҳим"нинг 20 та нусхаси, "Китоб фи истиъоб ал-вужуҳ ал-мумкина фи санъат ал-астурлоб" ("Астурлоб ясаш ҳақида китоб") асарининг 24 та нусхаси, "ал-Осор ал-боқиййа мин ал-қурун ал-холиййа" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") 13 та нусхаси, "Китаб таҳрир ма ли-л-Ҳинд мин макула мақбула фи-л-ъақл ав марзула" ("Ҳиндларнинг ақл билан қабул қилинадиган ёки рад этиладиган таълимотлари шарҳланган китоб") 4 та нусхаси, "Ал-Қанун ал-Масъуди фи ал-ҳайъа ва ал-нужум" ("Астрономия ва астрологияга оид Масъуд қонуни")нинг 16 та нусхаси қайси давлат, кутубхона, коллекцияда сақланиши айтилган. Булар, асосан, Европа мамлакатлари кутубхоналаридаги нусхалар бўлиб, уларнинг 10 та маълумотни ўз ичига олган инглиз тилидаги қисқача тавсифи ҳам берилган. Шунингдек, айрим рақамлаштирилган ва лицензияга эга қўлёзмаларнинг электрон нусхаси ҳам қўйилган. Бу сайтда жуда кўп фойдали маълумотлар баробарида айрим кичик хатоликлар ҳам бор. Улар "Патна Худобахш шарқ халқ" (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) кутубхонасидаги қўлёзмаларга тегишли. Масалан, шу ерда "Китоб фи ифрод ал-мақол фи амр ал-азлол" ("Соялар муаммоси ҳақида алоҳида сўз") асарининг дунёда ягона нусхасининг ашё рақами 2468 деб берилган. Аммо мазкур кутубхонага бориб текширилганда, бу қўлёзма мажмуа ичида, HL2519/34 ашё рақами билан турганлиги аниқланди. Шу кутубхонадаги яна бир асар "Тамҳид ал-мустақарр ли таҳқиқ маъна ал-мамарр" ("Ёритгичларнинг ўтиши")нинг ашё рақами 2468 кўрсатилган. Аслида бу ҳам ўша мажмуа ичида бўлиб, 2519/36 рақами билан қайд этилган. "Мақолат фи истихрож ал-автор фи ал-доира ли-хавосс ал-хотт ал-мунҳаний фиҳо" ("Айлана ичига чизилган ватарларни ундаги синиқ чизиқ ёрдамида аниқлаш") рисоласи ҳам юқоридаги қўлёзма билан бир хил, яъни 2468 рақами остида келтирилган. Лекин бу ҳам мажмуа ичида, 2519/40 рақами остида сақланади. Шу мажмуадаги "Рисолат фи рошикот ал-ҳинд" ("Ҳинд рашикалари ҳақида") рисоласи (HL 2519/35) ҳам нотўғри рақам – 2468 билан қайд қилинган. Шу асарнинг номи кутубхона

картотекасида “Рисолат фи ишкол ал-ҳандаса” (“Геометрик шакллар ҳақида рисола”) тарзида ёзилган. Қўлёзмада “Мақолат фи рошикот ал-ҳинд” (“Ҳинд рашикалари ҳақида мақола”). Шунингдек, HL 2218 рақами остидаги “ал-Осор ал-боқиййа” асари қўлёзмасининг ҳам ашё рақами нотўғри кўрсатилган (963) [14; 15; 16; 11; 9]. Сайтга қуйидаги ҳавола орқали кириш мумкин: https://ismi.mpiwg-berlin.mpg.de/person/70924

Юқорида зикр қилинган сайтлардан ташқари бевосита Беруний-нинг ўзига бағишланган сайт ҳам бор. Уни голландиялик машҳур фан тарихчиси, профессор Ж.П. Хогендайк яратган бўлиб, у умумий ҳисобда Берунийнинг бизгача етиб келган 26 та асари қўлёзмалари ҳақида, улар устида амалга оширилган тадқиқотлар, Берунийга бағишлаб ёзилган ва Берунийга нисбат берилган асарлар (апокрифлар) ҳақида таснифланган ва тизимлаштирилган маълумотларни келтиради. Жумладан, Д.Ж. Буало тузган Беруний асарлари рўйхати (1955, 1956) ва бошқа каталоглардаги қўлёзма рақами, ҳар бир нусханинг ўзига хос жиҳатлари (масалан, нуқсонлари), унинг биринчи тадқиқотчиси ва таржимони ҳақида маълумот берилган. Сайтнинг фойдали жиҳат-ларидан яна бири шуки, унда у ёки бу масала бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин бўлган бошқа сайтларнинг ҳаволалари ҳам бор. Бу сайт Беруний илмий мероси билан шуғулланувчиларга катта ёрдам беради [43]. Унинг ҳаволаси қуйидагича: www.albiruni.nl

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг *heritageofberuni.uz* сайти аввалги сайтлардан фарқли ўлароқ фақат Берунийнинг Б. Абдуҳалимов томонидан ёзилган таржимаи ҳоли, кириш мақола [37] ҳамда олим асарларининг хорижий фондларда сақланаётган қўлёзмаларининг инглиз тилидаги 12 та маълумотли илмий тавсифини ўз ичига олади. Тавсифларга қўлёзма сақланаётган мамлакат, ташкилот, қўлёзма коллекцияси ва коди, муаллиф исми, асарнинг тўлиқ номи ва қўлёзмада келган номи, асарнинг ёзилган вақти, тили, мавзуси, ҳажми, иллюстрациялари, қўлёзманинг котиби исми, кўчирилган санаси, жойи, хат тури, нуқсони (агар бўлса) ва “қайдлар” (note) қисмидаги яна шу нусхага тегишли бўлган бошқа маълумотлар киритилган. Ҳар бир тавсиф қўлёзманинг боши, охири ва ўртасидан олинган 3 та кадр сурат билан таъминланган. Ҳозирча сайтга Эрондан олинган 24 та асарнинг 72 та қўлёзмаси, Туркия кутубхоналаридан олинган 19 та (шулардан 3 таси

Берунийга нисбат берилган) асарнинг 36 та қўлёзмаси, Ҳиндистон фондларидан олинган 10 та асарнинг 25 та қўлёзмаси, Буюк Британия кутубхоналаридаги 11 та асарнинг (биттаси Берунийга йўлланган, 1 таси апокриф) 16 та нусхаси, Голландиядан олинган 10 та асарнинг (шулардан 5 таси Берунийга аталган) 10 та қўлёзмаси, Германияда сақланаётган 5 та асарнинг 8 та қўлёзмаси, Францядаги 3 та асарнинг 5 та қўлёзмаси, жами 43 та номдаги 200 га яқин қўлёзманинг илмий тавсифи қўйилди. Албатта, 43 номдаги асарларнинг ҳаммаси ҳам Беруний қаламига мансублиги аниқ эмас. Уларнинг идентификацияси келажакдаги тадқиқотларнинг предметидир.

Қўлёзмаларни тавсифлаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Туркия кутубхоналарида Беруний асарлари қўлёзмаларининг зийнатли ва энг қадимий нусхалари, шунингдек, ўз тарихига эга нусхалари бор. Масалан, Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ коллекциясида “Китоб таҳдид ниҳойат ал-амокин ли-тасҳиҳ масофат ал-масокин” (“Турар жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”) асарининг 416/1025–1026 йилда Ғазнада китобат қилинган нусхаси бор [8]. Бу сана асарнинг ёзилган вақти (1025 йил октябр)га тўғри келади. Шунга кўра, уни Беруний дастхати, деб тахмин қилиш мумкин. Шу вақтга қадар бу асар ягона нусхада етиб келган, деган фикр бор эди. Лекин Туркияга сафар чоғида унинг энг янги нусхаси ҳам борлиги аниқланди. Бу Боғарун университетининг Қандили обсерваториясида Таваккал бин Абдуллоҳ Туркистоний сумма Тошкандий томонидан 1935 йилда кўчирилган нусхадир (№ 00155).

“Ал-Осор ал-боқиййа”нинг дунё фондларида нусхалари кўп. Улардан 603/1206–1207 йилга мансуб энг қадимийси ҳам Туркияда, Боязид кутубхонасида сақланади (№ B4667). Шу асарнинг Сулаймония кутубхонаси Аё София коллекциясидаги 12 та расмли зийнатланган нусхаси 839/1435–1436 йилда Самарқандда, Мирзо Улуғбек кутубхонаси учун тайёрланган. Лекин бу нусха Улуғбекнинг ўлимидан (1449) кейин унинг шогирди ва дўсти Али Қушчи (1402–1474) томонидан Истанбулга олиб кетилган бўлиши мумкин.

Берунийнинг машҳур астрономик энциклопедияси “Масъуд қонуни”нинг энг қадимий, 531/1136–1137 йилга мансуб нусхаси ҳам Сулаймония кутубхонасидадир (№ 01498).

Берунийнинг доришуносликка оид “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” (“Табобатда доришунослик”) асарининг 678/1279–1280 йилда кўчирилган ягона қадимий нусхаси ҳам Туркияда, Куршунлу жоме кутубхонасида сақланади [7]. XX асрда ундан яна иккита нусха Бағдод (1935) ва Қоҳирада (1354/1936) кўчирилган.

2. Эрон кутубхоналаридаги Беруний асарлари қўлёзмаларининг аксариятида котиб исми ва кўчирилган йили бор. Асарлардан “Тафҳим”нинг нусхалари кўпроқ ва унинг форс тилидаги энг қадимий, 538/1143 йилга мансуб нусхаси Эрон Парламентининг кутубхона, музей ва ҳужжатлар марказида сақланади [29].

Энциклопедия (Доират ал-маъориф) ташкилотида бир қадимий мажмуа мавжуд бўлиб, унга 557/1162 йилда китобат қилинган Берунийнинг 4 та асари киритилган. Булар “Тасвир ал-кавокиб ва-л-булдон” (“Юлдузлар ва мамлакатлар тасвири”), “Тастих ас-сувар ва табтих ал-кувар” (“Буржларнинг текисликка проекцияси ва сфераларни текисликда тасвирлаш”), “Тасҳиҳ ал-мабодий” (“Бошланғичларни тузатиш”) ва “Қонуни Масъудий”дан бир парча [26; 27; 28; 31].

Эрондаги “ал-Осор ал-боқиййа” қўлёзмаларининг катта қисми XIX асрда кўчирилган.

Эрон қўлёзмалар каталоги (“Фиҳристи нусхаҳойе хатти-йе Эрон”)да Берунийнинг “Мулаххас ал-Мажистий” (“Алмагест қисқартмаси”) асари қўлёзмасининг бир нусхаси Шероз миллий кутубхонасида сақланиши ҳақида маълумот келтирилган [13]. Аммо мазкур кутубхонада ушбу қўлёзмани учратмадик. Бу рисола Беруний асарлари рўйхатига ҳам киритилмаган.

3. Хайдароббддаги Салар Жунг (Salar Jung) музейи таркибидаги нодир қўлёзмалар кутубхонсида сақланаётган “Китоб фи ихрож мо фи қувват ал-астурлоб ила ал-фил” (“Астурлоб қувватини юзага чиқариш ҳақида китоб”) асарининг муаллифи кутубхона картотекасида ат-Тусий деб кўрсатилган [10].

Ҳиндистон кутубхоналаридаги Беруний асарлари қўлёзмаларининг ҳаммасини ҳам кўриш ва электрон нусхаларини олиш

имконияти бўлмагани боис, улар ҳақидаги маълумотлар тегишли сайтлардан олинди.

4. Англиядаги Бодлеан кутубхонасида “Масъуд қонуни”нинг муаллиф дастхати билан солиштирилган, 475/1082 йилда кўчирилган нусхаси сақланади. Шу асарнинг яна бир қадимий, 501/1108 йилда кўчирилган нусхаси Франция Миллий кутубхонасида мавжуд [12; 33].

Берлин давлат кутубхонаси (Berlin State Library) каталогида мазкур асарнинг 422/1030 йилда кўчирилган қўлёзмаси қайд этилган. Лекин бу сана тўғри эмас, чунки асарнинг ўзи 429/1037 йилда ёзилган [30].

Франция Миллий кутубхонасида “Ҳиндистон” асарининг муаллиф нусхасидан 544/1149 йилда кўчирилган қўлёзмаси сақланади [32].

Британия кутубхонасидаги “Китоб ат-тафҳим”нинг 839/1435–36 йилда кўчирилган қўлёзмасининг 2b варағида асар Райҳона бинт ал-Ҳасан учун ёзилгани қайд этилган [39].

heritageofberuni.uz сайти бундан кейин ҳам Беруний илмий мероси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг янги натижалари асосида янгиланиб ва тўлдириб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда / Ответственные редакторы: С.Х. Сираждинов и Г.П. Матвиевская. Вступительная статья, перевод и примечания П.Г. Булгакова и Б.А. Розенфельда. Т.5. Часть 1. Книги 1–5. – Ташкент, 1973.
2. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Мас‘уда. / Ответственные редакторы: С.Х. Сираждинов и Г.П. Матвиевская. Перевод и примечания Б. Розенфельда и А. Ахмедова. Т.5. Часть 2. Книги 6–11. – Ташкент, 1976.
3. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Книга вразумления начаткам науки о звездах. / Вступительная статья, перевод и примечания Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова. Ответственный редактор А.К. Арендс. Т.6. – Ташкент, 1975.
4. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Математические и астрономические трактаты / Предисловие, перевод и комментарии П.Г. Булгакова и Б.А. Розенфельда. Ответственный редактор Г.П. Матвиевская. Т.7. – Ташкент, 1987.

5. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Фармакогнозия в медицине / Исследование, перевод, примечания и указатели У.И. Каримова. Т.4. – Ташкент, 1973.
6. Абу Райҳон Беруний. Китоб ат-тафҳим ли авоил синаат ат-танжим. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №3423.
7. Абу Райҳон Беруний. Китоб ас-сайдана фи-т-тибб. Туркиядаги Куршунлу жоме кутубхонаси қўлёзмаси, № 149.
8. Абу Райҳон Беруний. Китоб таҳдид ниҳаят ал-амакин ли-тасҳиҳ масофат ал-масакин. Туркиядаги Сулаймония кутубхонаси Фотиҳ коллекцияси қўлёзмаси, № 03386.
9. Абу Райҳон Беруний. Китоб фи ифрод ал-мақол фи амр ал-азлол. Ҳиндистондаги Патна шаҳри Худобахш кутубхонаси (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) қўлёзмаси, № HL2519/34.
10. Абу Райҳон Беруний. Китоб фи ихрож ма фи қувват ил-астурлоб ила-л-фил. Ҳиндистондаги Хайдаробод шаҳри Салар Жунг музей-кутубхонаси қўлёзмаси, № 34.
11. Абу Райҳон Беруний. Мақолат фи истихрож ал-автор фи-л-доира ли-хавосс ал-хотт ал-мунҳаний фийҳа. Патна шаҳри Худобахш кутубхонаси (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) қўлёзмаси, қўлёзмаси, №2519/40.
12. Абу Райҳон Беруний. Масъуд қонуни. Англиядаги Бодлеан кутубхонаси қўлёзмаси, № MS. Bodl. Or.51
13. Абу Райҳон Беруний. Мулаххас ал-Мажистий. Эродаги Шероз миллий кутубхонаси қўлёзмаси №FNKhE (31-жилд, 440-б.).
14. Абу Райҳон Беруний. Осор ал-боқиййа. Ҳиндистондаги Патна шаҳри Худобахш кутубхонаси (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) қўлёзмаси, қўлёзмаси, HL2218.
15. Абу Райҳон Беруний. Рисолат фи рошикот ал-ҳинд. Ҳиндистондаги Патна шаҳри Худобахш кутубхонаси (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) қўлёзмаси, №HL2519/35.
16. Абу Райҳон Беруний. Тамҳид ал-мустақарр ли таҳқиқ маъна ал-мамарр. Ҳиндистондаги Патна шаҳри Худобахш кутубхонаси (Patna Khuda Bakhsh Oriental Public) қўлёзмаси, № 2519/36.
17. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.I. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов таржимаси. Нашрга тайёрловчи,

кириш ва изоҳлар муаллифи: А. Аҳмедов. Кўрсаткичлар муаллифлари: Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
18. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.II. Ҳиндистон / А. Аҳмедов ва [А. Расулов] таржимаси. Сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмедов, М. Хандамова. – Тошкент, 2022.
19. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.III. Геодезия / Сўзбоши муаллифи А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
20. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.IV. Қонуни Масъудий / Сўзбоши муаллифи: А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А.Расулов], Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
21. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.V. Қонуни Масъудий / Сўзбоши муаллифи А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов], Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
22. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.VI. Тафҳим / Сўзбоши муаллифи А. Аҳмедов. Таржимон ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. – Тошкент, 2022.
23. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж. VII. Математик ва астрономик рисолалар / Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: А. Аҳмедов. Кўрсаткичлар муаллифи: Б. Абдуллаев. – Тошкент, 2022.
24. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.VIII. Кичик рисолалар / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. Кўрсаткичларни Б. Абдуллаев ва У. Куранбаевалар тузишган. – Тошкент, 2022.
25. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж. IX. Китоб ас-сайдана фит-тиб / Таржима, тадқиқот ва изоҳлар муаллифи У.И. Каримов. Нашрга тайёрловчи ва кўрсаткичлар муаллифи С.У. Каримова. – Тошкент, 2023.
26. Абу Райҳон Беруний. Тасвир ал-кавокиб ва-л-булдон. Эрондаги Доират ал-маъориф кутубхонаси қўлёзмаси, № 434/2.

27. Абу Райҳон Беруний. Тастиҳ ас-сувар ва табтиҳ ал-кувар. Эрондаги Доират ал-маъориф кутубхонаси қўлёзмаси, № 434/3.
28. Абу Райҳон Беруний. Тасҳиҳ ал-мабодий. Эрондаги Доират ал-маъориф кутубхонаси қўлёзмаси, № 434/4.
29. Абу Райҳон Беруний. Тафҳим. Эрон Парламент кутубхонасидаги музей ва ҳужжатлар маркази қўлёзмаси, № 2132.
30. Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий. Берлин Давлат кутубхонаси қўлёзмаси, № Ms.or.oct.275.
31. Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий. Эрондаги Доират ал-маъориф кутубхонаси қўлёзмаси, № 434/13.
32. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Франция Миллий кутубхонаси қўлёзмаси, № Arabe 6080.
33. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Франция Миллий кутубхонаси қўлёзмаси, № Arabe 6840.
34. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Геодезия / Исследование, перевод и примечания И.Г. Булгакова. Т.3. – Ташкент, 1966.
35. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Памятники минувших поколений / Перевод и примечания М.А. Салье. Т.1. – Ташкент, 1957.
36. Беруни и Ибн Сина. Переписка / Ответственный редактор И.М. Муминов. – Ташкент, 1973.
37. Abu Rayhon Beruniy ilmiy merosining jahon fani rivojidagi o‘rni. – Toshkent, 2023.
38. Rozenfeld Boris, Ekmeleddin İhsanoğlu. Mathematicians, Astronomers and Other Scholars of Islamic Civilisation and Their Works (7th–19th c.). – Istanbul, 2003.
39. http://heritageof.beruni.uz/
40. http://publ.lib.ru/ARCHIVES/B/BIRUNI_Abu_Reyhan/_Biruni_A.R.html#001
41. https://islamansiklopedisi.org.tr/biruni
42. https://ismi.mpiwg-berlin.mpg.de/person/70924
43. www.albiruni.nl

С. КАРИМОВА, Ф. ИБРАГИМОВ, У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Абу Райҳон Беруний (973–1048) илмий меросини ўрганиш ишлари Европада XIX асрда бошланди. XX асрнинг ўрталаридан олимнинг йирик асарларининг ўзбек ҳамда рус тилидаги таржималари Ўзбекистонда ҳам нашр этила бошлади ва бу ишлар ҳозиргача давом этмоқда. Лекин шунинг баробарида XXI асрда IT технологияларнинг тараққий этиши ва турли соҳаларга жадал кириб келиши фан тарихи, жумладан, берунийшуносликни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда аниқ фанлар тарихи бўйича дунёда амалга оширилган ишларни жамлаб, тадқиқотчиларга қулайлик яратиш мақсадида бир нечта сайтлар тузилган. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам республикадаги беруний-шуносликнинг келажакдаги ривожи учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида *heritageofberuni.uz* сайти яратилди. Бу сайтнинг мавжуд сайтлардан фарқли жиҳати – унга дунё қўлёзма фондларидан йиғилган 200 га яқин қўлёзманинг инглиз тилидаги илмий тавсифи киритилган. Тавсиф жараёнида Буюк Британия, Германия, Голландия, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон кутубхоналаридаги Беруний асарлари қўлёзмаларининг ўзига хос жиҳатлари аниқланди, уларнинг электрон нусхалари Институт фондига олиб келинди ва махсус коллекцияси яратилди.

Калит сўзлар: *Абу Райҳон Беруний, аниқ фанлар тарихи, Беруний асарлари, аниқ фанлар тарихига оид сайтлар, Берунийга оид сайтлар, арабографик қўлёзмалар, қўлёзмаларнинг илмий тавсифи.*

С. КАРИМОВА, Ф. ИБРАГИМОВ, У. КУРАНБАЕВА

ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗУЧЕНИИ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ

Изучение научного наследия Абу Райхана Беруни (973–1048) началось в XIX веке в Европе. С середины XX века труды ученого

начали издаваться и в Узбекистане в виде научно-комментированных переводов на узбекский и русский языки. Эти работы продолжаются и в настоящее время. Но вместе с тем, развитие в XXI веке IT технологий и их стремительное проникновение в различные отрасли не обошло стороной и исследования в области истории науки, в частности, беруниеведении. На сегодняшний день в мире создано несколько сайтов, в которых собраны сведения об исследованиях по истории точных наук. С целью дальнейшего развития беруниеведения в Узбекистане, в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни АН РУз был создан сайт *heritageofberuni.uz.* Отличие этого сайта от других заключается в том, что в нем даются научные описания на английском языке около 200 укописей трудов Беруни. В процессе описания рукописей из библиотек Великобритании, Германии, Голландии, Турции, Ирана и Индии были выявлены особенности этих рукописей, а в Институте была создана специальная коллекция их электронных копий.

Ключевые слова: *Абу Райхан Беруни, история точных наук, труды Беруни, сайты по истории точных наук, сайты о Беруни, арабографические рукописи, научное описание рукописей.*

S. KARIMOVA, F. IBRAGIMOV, U. KURANBAEVA

APPLICATION OF MODERN TECHNOLOGIES IN THE STUDY OF SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU RAYHAN AL-BIRUNI

The study of the scientific heritage of Abu Rayhan al-Biruni (973–1048) began in Europe in the nineteenth century. Since the middle of the twentieth century, the works of the scholar began to be published in Uzbekistan in the form of scientifically commented translations into Uzbek and Russian. These works continue to the present day. But at the same time, the development of IT technologies in the 21st century and their rapid penetration into various fields has not bypassed the studies in the field of history of science, in particular, al-Biruni's works studies. To date, there are several sites in the world that collect information about research on the history of exact sciences. With the purpose of further development of Birunian studies in Uzbekistan, the al-Biruni Institute of Oriental Studies of

the Academy of Sciences of Uzbekistan created the site *heritageofberuni.uz*. The difference of this site from others is that it provides scientific descriptions in English of about 200 manuscripts of al-Biruni's works. In the process of describing manuscripts from the libraries of Great Britain, Germany, Holland, Turkey, Iran and India, the peculiarities of these manuscripts were revealed, and a special collection of their electronic copies was created at the Institute.

Key words: *Abu al-Rayhan al-Biruni, history of exact sciences, al-Biruni's works, sites on history of exact sciences, sites about al-Biruni, Arabic manuscripts, scientific description of manuscripts.*

О. БЎРИЕВ, Ф. ФАРОМАРЗ

ФАРҒОНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ГЕОГРАФИК БИЛИМЛАР

Қадимда ва ўрта асрларда географик билимлар амалиётга анча яқин турган. Зеро, Ер шари ҳақида тасаввурни кенгайтириш ва аниқлаштириш, номаълум жойлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш, савдо алоқаларини ривожлантириш, мамлакатлар, шаҳарлар ўртасида масофаларни аниқ ўлчаб, карвон йўлларини назорат қилиш, географик карталар ва атласлар тузиш, географик асарлар ёзиш, турли географик муаммоларни ҳал қилиш учун илмий экспедициялар ташкил этиш, дарёларда сув сатҳи ўзгаришини кузатиш ва янги суғориш тармоқларини барпо этиш, экинзорларни кенгайтириш кабилар кундалик эҳтиёж билан боғлиқ муҳим муаммолар саналган. Фанда шуҳрат топган ватандошимиз Аҳмад Фарғоний (798–865) илмий меросидан мазкур долзарбликка бевосита дахлдор географияга оид қатор масалалар ҳам ўрин олган бўлиб, улар ўз навбатида, ўша даврдаги давлатчилик омиллари билан ҳам бевосита боғлиқ эди.

Маълумки, Умавийлардан сўнг Араб халифалигида ҳукмронлик Аббосийлар сулоласига ўтади ва халифа Абу Жаъфар Мансур (754–775) даврида 762 йили Бағдод шаҳрига асос солиниб, 763 йили пойтахт Куфа шаҳридан бу ерга кўчирилади [8: 230]. Бағдод шаҳри то Араб халифалиги мўғуллар томонидан тугатилгунга (1258) қадар пойтахт